



**ЧЕТ ТИЛЛАРНИ ЎҚИТИШДА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ
РОЛИ: РАҚАМЛИ КОМПЕТЕНЦИЯДАН КОГНИТИВ
КОМПЕТЕНЦИЯ, КОГНИТИВ КОМПЕТЕНЦИЯДАН
КОММУНИКАТИВ КОМПЕТЕНЦИЯ САРИ**

М.А. Ниязбекова

А.Навоий номидаги

Ўзбек тили ва адабиёти

университети магистранти

Аннотация: Ушбу мақола замонавий ахборот технологияларининг ажралмас таркибий қисмларидан бири бўлган рақамли технологиялар ёрдамида чет тилларини самарали ўргатиш ва ўрганишининг коммуникатив жиҳатларига бағишланган. Бу борадаги муаммолардан бири шундан иборатки, чет тилларини ўқитишда замонавий методолгияларни ишлаб чиқиш ахборот технологияларининг ривожланиш сураидан орқада қолиб келмоқда. Шундай вазиятларда чет тили ўқитувчилари рақамли технологияларга мурожаат қилган, интерфаол усуллардан фойдаланган ва компетенцияга йўналтирилган ёндошувга урғу берган ҳолда коммуникатив самараликка эришишлари учун ташаббусни ўз қўлларига олишлари талаб этилади. Айнан рақамли технологиялар компетенцияси, когнитив компетенция ва коммуникатив компетенциялардан иборат “учлик”нинг уйғунлиги ва яхлитлиги, ҳамда уларни эгаллаш ўқув жараёнини ҳар жиҳатдан мароқли ва самарали ўтишини таъминлайди. Қуйида немис менталитети коммуникатив мавзуга бағишланган немис тили амалиёти дарси мисолида бунга амин бўлиш мумкин бўлади.

Аннотация: Данная статья посвящается коммуникативным аспектам обучения и изучения иностранных языков с помощью цифровых технологий, которые являются одной из составных частей современных информационных технологий. Проблема в этой области заключается в том,



что разработка новых методологий преподавания иностранных языков не поспевает за темпом развития информационных технологий, явно отставая от них. В таких ситуациях специалисты в области преподавания иностранных языков с целью достижения коммуникативных целей должны брать на себя инициативу, привлекая в процесс преподавания цифровые технологии, ориентированный на компетенцию подход и интерактивные технологии. Именно усвоение “трихотомии” таких видов компетенции как компетенция цифровых технологий, когнитивная и коммуникативная компетенции, а также их целостность и сочетание обеспечивает эффективность процесс обучения. В этом можно убедиться на примере практического урока немецкого языка на коммуникативную тему “Немецкий менталитет”.

Annotation: This article is devoted to the communicative aspects of teaching and learning foreign languages using digital technologies, which are one of the components of modern information technology. The problem in this area is that the development of new methodologies for teaching foreign languages does not keep pace with the pace of information technology development, clearly lagging behind them. In such situations, language teachers should take the lead in order to achieve communicative goals, involving digital technologies, a competence-based approach and interactive technologies in the teaching process. It is the assimilation of the “trichotomy” of such types of competence as the competence of digital technologies, cognitive and communicative competences, as well as their integrity and combination, that ensures the effectiveness of the learning process. This can be seen on the example of a practical lesson of the German language on the communicative topic “German mentality”.

Таянч иборалар: компетенция, когнитив компетенция, компетенциявий ёндошув, рақамли технологиялар, рақамли кўникма, рақамли таълим, инноватив йўналтирилган таълим, аутентик ўқув материали, коммуникатив самарадорлик, коммуникатив фаолият онлайн - мунозара



Ключевые слова: компетенция, когнитивная компетенция, ориентированный на компетенции подход, цифровые технологии, цифровые навыки, цифровое обучение, инновативно ориентированное обучение, аутентичный учебный материал, коммуникативная эффективность, коммуникативная активность, онлайн - дискуссия

Ахборот технологияларининг ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларига шахдам қадамлар билан кириб келиши, айниқса таълим тизимида тобора кенг ёйилиши чет тили таълими мутахассислари олдида бутунлай янги талаблар қўймоқда. Эндиликда мутахассислар томонидан тезкор натижаларга эришишга қаратилган инновацион билимларни эгаллаш ва уларни амалиётга тадбиқ этиш замон талабларига айланган. Чет тиллари шу ўринда анъанавий равишда ҳар қандай инновацион илғор ғояларни олқишлаган ҳолда, кўпинча уларнинг ташаббускори ҳам бўлиб келган, чунки ҳар қандай илғор янгилик энг аввало чет тиллари билимлари орқали амалга оширилади.

Ушбу мақола ахборот технологияларининг муҳим таркибий қисмларидан бири, рақамли технологиялар (РТ) ёрдамида чет тилларини ўқитишнинг асосий жиҳатлари ва имкониятларини ёритиш мақсадига қаратилган. Ахборот технологияларининг яшин каби ривожланиб бораётганлиги биринчидан, улардан фойдаланувчилар учун мислсиз имкониятлар яратаётган бўлса, иккинчидан РТ дан фойдаланиш учун зарур бўлган замон талабларига мос методологияларни ишлаб чиқиш орқада қолмоқда. Бу борада ахборот технологиялар қўллашда хавфсизлик масалалари каби яна бир қатор муаммолар юзаган келган ва йиғилиб қолган. Кўп ҳолатларда фойдаланувчилар, хусусан чет тилларини ўрганувчилар ўз холига ташлаб қўйилган. Назаримизда чет тиллари мутахассислари РТ билан боғлиқ умумий жараёни бошқариш эмас, уларни биров бўлсада жиловлаш, тўғри “йўналтириш” орқали тил ўргатиш функциялари ўзларига олганда мақсадга мувофиқ бўлар эди. Ушбу мақсад бир қатор вазифаларни ўз ичига оладики, қуйида соҳа адабиёти таҳлили, компонент таҳлили методлари ёрдамида ва



немис тилидаги аниқ коммуникатив мавзу мисолида уларнинг айримларининг атрофлича талқинига тўхталамиз.

Замонавий ахборот технологияларнинг шиддат билан ривожланишига ҳамоҳанг равишда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан илгари сурилган 5 та муҳим ташаббуснинг 3-йўналишида ёшларни компьютер технологияларидан кенг ва самарали фойдаланиш учун шароит яратиш кўзда тутилган(1). Шунингдек, 2020 йилнинг “Илм – маърифат ва рақамли технологиялар” йили деб эълон қилиниши(2) ва унинг доирасида амалга оширилган тадбирлар, 2020 йилнинг 5 октябрида ПФ – 6079 сонли “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари” тўғрисидаги Президент Фармони(3) ва яна бир қатор ҳужжатлар ахборот технологияларининг Ўзбекистон учун нақадар долзарблигидан дарак беради. Аксарият ҳолларда ушбу ҳужжатлар ёшлар ва таълим тизими, хусусан олий таълим соҳасига тегишли ҳолда, ахборот технологиялари соҳасида масофавий, онлайн ва виртуал ўқитиш технологияларини жорий этиш ва онлайн курслари учун платформалар ишлаб чиқиш каби аниқ кўрсатмалар ишлаб чиқилган ва таълим тизимига тадбиқ этилмоқда, ҳар бир олий таълим муассасаси қошида сунъий интеллектуал технологияларини қўллаш ва ўрганиш бўйича лабораториялар ташкил этилмоқда, жойларда рақамли технологияли ўқув марказлари очилмоқда. Бугунга келиб РТ таълим тизимида кенг қўлланиши билан бир қаторда жамиятнинг аксарият соҳаларига ёйилиб, хизмат кўрсатиш (сервис) турига айланишга улгурди.

Қуйида ушбу мақола йўналиши билан бевосита боғлиқ ва унинг сарлавҳасида ифодаланган “рақамли компетенция”, “когнитив компетенция” ва “коммуникатив компетенция” тушунчалари талқинига тўхталамиз, чунки улар ўртасидаги узлуксизлик охир ўқибатда таълим жараёни, хусусан чет тилларини ўқитиш жараёнида самараликка эришишга хизмат қилади.

“Рақамли” атамаси келиб чиқишига кўра лотин ва инглиз тилларига тааллуқли ҳолда “*digital*” сўзидан олинган ва “рақамлардаги



маълумотлар, сигнал”, “қадамма-қадам”(4) маъноларида кетма-кетликни билдирувчи сифат даражасини англатади. 90 йилларнинг ўрталарида ўзбек муомила тилига кириб келган ушбу сўз энг аввало “рақамли иқтисодиёт” сўз бирикмаси кўринишида намоён бўлди ва ҳозирда ҳам “иқтисодиёт” соҳасини тарк этмаган ҳолда ўз маъно доирасини кенгайтириб, жамловчи маъновий бўёқда бошқа жабҳаларга кириб келди ва ахборот технологиялари соҳасининг муҳим атамаларидан бирига айланди. Ушбу сўз қўлланилишига кўра шу даражада кенг қўламлик ва сермахсуллик даражасига етдики, эндиликда у атама сифатида эмас, муболоғасиз равишда ўзбек тилининг умумистеъмол сўзига айланди. **“Рақамли компетенция”** сўз бирикмаси турли касбий йўналишларда махсус соҳа билимлари билан боғлиқ ҳолда рақамли жиҳозларни қўллаш ҳақидаги билим ва малакаларни” англатади (5). “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари” тўғрисидаги Президент Фармонининг “Ахборот технологиялари соҳасида таълим бериш ва малака ошириш йўналиши” бобида **“рақамли кўникмаларга** эга бўлган аҳоли улушунини ошириш мақсадида юқори **малакали мутахассислар** иштирокида бепул онлайн курслар ташкил этиш” вазифаси қўйилган(3). Кўриниб турибдики, “рақамли компетенция”, рақамли кўникма” ва “рақамли малака” иборалари бир-бирига синоним сифатида қўлланилиб касбий соҳага ва унинг доирасида ахборот технологиялари жиҳозлари ва улардан фойдаланишдаги кўникма ва малакаларини эгаллашни назарда тутди.

Чет тилларини РТ га боғлиқ ҳолда самарали ўрганишда ўз навбатида юқоридаги малакаларни эгаллашнинг ўзи етарли бўлмасдан, ахборот технологиялари воситаларидан тегишли долзарб мавзуга монанд маълумотлар танлаб ва ажратиб олишдан иборат навбатдаги вазифага дуч келинади. РТ ёрдамида тақдим этилаётган ахборот манбалари ва когнитив материаллар шу даражада турфа хил ва мураккабки, бунинг учун навбатдаги компетенцияни, аниқроғи когнитив компетенцияни эгаллаш талаб этилади. **Когнитив компетенция** (лотинча *“cognoscere”* – *билиб олиш*) базавий



компетенция ҳисобланиб, айниқса биология, психология, неврология соҳаларида кенг қўлланилади. Когнитив компетенциялар тафаккур жараёни билан бевосита боғлиқ ҳолда олам ва унинг моҳиятини билиб олиш, тушуниб етиш, англаш, унинг муаммоларини ечишда иштирок этишни назарда тутадилар(6). Инсоннинг ақл, заковат каби руҳий ҳолати ўзида жамлаган ҳолда, ушбу атама айниқса болалар психологияси учун муҳим аҳамият касб этади, ҳамда тарбия воситаси сифатида мутахассислар томонидан кенг қўлланилади. Дикқат-эътиборлилик, киришимлилилик, хотирада сақлаш ва ўз ҳаракатларини кетма-кетлик ва пухталилик билан режалаштириш когнитив компетенциянинг таркибий қисмларини ташкил этади.

Компетенция когнитив муаммони ечиш қобилияти билан чамбарчас ҳолда қуйидаги каби уч белги кўринишида, яъни, биринчидан ўрганиб (ўзлаштириб) ва ўрганса (ўзлаштира) бўладиган муаммо, иккинчидан ўзлаштирилган билимга асосланиб муайян ҳаракат вазиятларда, учунчидан билим ва кўникманинг уйғунлашуви натижасида намоён бўлади(7). Ушбу когнитив жиҳатлар чет тилларини РТ ёрдамида ўрганишда айниқса қўл келади ва тил ўрганишнинг навбатдаги компетенцияси, коммуникатив компетенцияси учун хизмат қилади.

Коммуникатив компетенция эса чет тилларини ўқитиш ва ўрганиш дидактикаси ва методикасида марказий ўринни эгаллайди. XXI аср бошига келиб чет тилларини ўргатиш ва ўрганишда коммуникатив ва компетенциявий ёндошув устувор йўналишга айланган ва ўзининг илк ижобий натижалари амалиётда намоён бўлмоқда. Бунда биринчидан, ахборот технологияларининг шиддатли ривожланиши ва мисли кўрилмаган имкониятларни тақдим этиши бўлса, иккинчидан чет тиллари соҳа мутахассисларининг изланишлари маҳсуллари, хусусан Европа Кенгаши лойиҳаси доирасида яратилган “Чет тилларини эгаллашнинг Умумевропа талаблари: ўрганиш, ўргатиш, баҳолаш” рисоласининг беқиёс ҳиссасини тан олиш лозим(8). Айнан ушбу рисолада тил ўрганишдаги компетенциявий ёндошув моҳияти кўп жиҳатдан тизимли ёритилган, билим даражалари аниқлаб берилган ва тил ўрганувчиларга



тавсияномалар ишлаб чиқилган. Коммуникатив компетенция лингвистик, социолингвистик ва прагматик компетенциялар каби асосий ва бир қатор иккиламчи компетенцияларни ўз ичига олган ҳолда уйғунликда намоён бўлади. Коммуникатив фаолият коммуникация иштирокчиларининг эҳтиёжларини қондиришга қаратилган ҳолда кундалик ҳаёт, ижтимоий – сиёсий жараёнлар, касбий фаолият ва таълим жараёни каби ижтимоий ҳаётнинг турли жабҳаларини қамраб олган(GER). Айниқса таълим соҳаси, хусусан “чет тилларини **компетенциявий йўналтирилиб ўқитиш** олдинги ўринларга чиқиб олди”(10). Ушбу ёндошув фақат ва бевосита тил ўқитиш дарси жараёни билан чегараланмасдан, ўқув стандартларини ва намунавий ўқув режаларини мукамаллаштириш, янги авлод дарсликлари ва ўқув материаллари яратиш каби чет тилларини ўқитиш билан боғлиқ бутун таълим жараёнига ўзгартиришларни талаб қилади.

Чет тилларини компетенциявий йўналтириб ўқитиш рақамли технологиялар доирасида қатор инновацион усулларни жалб қилган ҳолда ўзига хос кечади. Умумий равишда чет тилларини ўргатиш ва ўрганиш ҳозирда РТ доирасида Moodle, Hemis каби таълим платформалар, ZOOM видеоалоқа платформаси, Telegram, WhatsApp каби ижтимоий тармоқлар ва албатта Internet нинг имкониятлари кенг жалб этилмоқда. Булардан ташқари онлайн дарсларни ташкил қилишда Learning Apps.org, wordwall.net ёрдамчи воситалар, Internet сайтлар таълим тизимида энг кенг тарқалган РТ имкониятларига киради. Юқорида қайд этилган компетенциялар “учлиги” - рақамли, когнитив ва коммуникатив компетенциялар – уйғунлиги ва яхлитлигини иназарда тутган ҳолда немис тили мисолида ва бевосита РТ ёрдамида чет тилларини ўқитиш ва ўрганишнинг айрим жиҳатлари баёнига киришамиз.

Халқаро майдонда ўзининг намунавий таълим тизими билан ажралиб турган Германия таълим жараёнида РТ қўллаш бўйича ҳам олдинги ўринлардан бирини эгаллайди. Бу борада камчилик ва муаммолар етарли бўлсада, „таълимни рақамлаштириш” -Digitalisierung der Ausbildung - сўз



бирикмаси ушбу мамлакатда кун тартибига айланган. Рақамли таълим мактабгача таълимдан соҳа мутахассисликлари бўйича малака оширишгача бўлган узлуксиз босқични қамраб олган. Айниқса немис тилини она тили ва чет тили сифатида ўқитиш борасида яхлит тизим йўлга қўйилган бўлиб, бу борада немис маданияти ва тилини тарғибот қилувчи Гёте институти пешқадам ташкилот ҳисобланади. Ушбу институт томонидан ишлаб чиқилган ва яратилган аксарият ўқув адабиётлари РТ асосида ёки фақат РТ га йўналтирилган тарзда олиб борилади. Барча таълим босқичлари учун “digitale Lehrbücher”, рақамли дарсликлар ва ўқув материаллари яратилган ва таълим тизимига тадбиқ қилинган. Немис тилини чет тили фонетикаси, грамматикаси ва коммуникатив мавзуларга бағишланган махсус рақамли технологияларга асосланган дарсликлар Германиянинг ўзида ва хориж мамлакатларидаги ўргатувчилар учун оммавий ва севимли ўқув адабиётларига айланган.

Юқоридаги фикр - мулоҳазаларни талабалар учун ZOOM режимидаги жаҳонга машҳур немис менталитетига тегишли Typisch Deutsch мавзусидаги ўқув дарси мисолида давом эттирамиз. Бунинг учун Германия Федератив Республикаси канцлери Ангела Меркельнинг ўз сайтида тарқатган “Mein Deutschland von A bis Z” (“Менинг Германиям: А дан Z гача”) мавзусидаги аутентик материалга мурожаат қиламиз ва ўндан ортиқ босқичдан иборат усулларни қўллаган ҳолда мавзуни ёритишга ҳаракат қиламиз. Дарснинг мақсади немис тилида лингвистик, социолингвистик ва прагматик компетенцияларни ўзида жамлаган мавзу бўйича коммуникатив компетенцияни самарали шакллантириш ва ривожлантиришдан иборат. Менталитет мавзусининг ўқув жараёнига жалб этилиши ўргатувчиларга ўзгалар (чет) менталитети билан ўз менталитетига назар ташлаш, ўхшаш ва тафовутларни топишга, уларнинг сабабларини аниқлашдан иборат уринишга ёрдам беради(11) ва шу сабабдан мотивацион хусусиятга эга. Мотивация эса фақат тил ўргатувчининг ташаббуси билан амалга ошмасдан бошқа хусусиятлари қатори “билим олишда тил ўргатувчининг ўзидан чиқадиган ташаббус ва интилиш сифатида намоён бўлади(12).



Мавзу юзасидан иш бошлашнинг биринчи (кириш) босқичида ўқув дарсидан маълум муддат олдин талабаларга мулоҳаза шакллантиришни кўзлаб умумий мавзу эълон қилинади. Бевосита дарснинг ўзи **Deutsche Mentalität** (немис менталитети) калит сўзи учун ушбу сўз билан мантиқан боғлиқ сўзлар топишга қаратилган қуйидаги каби ассоциаграмма ҳавола этилади:

Deutsche Mentalität

(Hier Assoziagramm)

Дарснинг 2 - қадамида ZOOM режимининг “Намойиш” ойнаси орқали олдиндан тайёрланган немис алфавити қуйидаги шаклда чатда тақдим этилади намуналардан фойдаланиб барча 26 ҳарф учун энг камида бир, иложи бори ча кўпроқ калит сўзлар ёзиб тўлдириш сўралади:

A:.....N:.....
.....

B:.....O:.....Or
dnung

C:.....P:.....

D:.....Disziplin....Q:.....
.....

E:.....R:.....
.....

F:
Fleiß.....S:.....

G:.....T:.....
.....

H:.....U:.....
.....

I:.....V:.....
.....

J:.....W:.....Wurst.....
.....



K:.....X:.....

.....

L:.....Y:.....

.....

M:.....

Z:.....

Навбатдаги қадамда сўзлардан тил ўрганувчи томонидан энг ёқимлисини танлаб олиш ва уни талабалар гуруҳи бўйлаб асослаб бериш сўралади. Кейинга иш усулида бир нечта талаба томонидан такрорланиб келган сўз атрофида кичик гуруҳларга бўлинган ҳолда онлайн баҳс – мунозара уюштирилади. Амалий дарснинг асосий босқичида А.Меркель томонидан тузилган қуйидаги матн талабалар эътиборига тақдим этилади ва ҳар кимнинг ўз жавоб варианти билан қиёслаш сўралади:

**BUNDESKANZLERIN ANGELA MERKEL BUCHSTABIERT
UNSER LAND [http://www.bild.de/news 22.06.2017]**

Was ist deutsch?

Liebe Leserinnen, liebe Leser, was ist deutsch? Auf diese Frage gibt es wahrscheinlich mindestens so viele Antworten wie Menschen in unserem Land.

Ich möchte Ihnen gerne eine kleine Auswahl meiner Antworten schreiben – mein Deutschland von A bis Z:

► Artikel 1 Absatz 1 unseres Grundgesetzes: „Die Würde des Menschen ist unantastbar. Sie zu achten und zu schützen ist Verpflichtung aller staatlichen Gewalt.“

► Bundeswehr, Behindertensport, bohrende Fragen, Brückentag, Butterbrot, Bratwurst.

► Christlich-jüdische Tradition, Chorgesang, Chefin und Chef.

► Duale Berufsausbildung, Dialekte, dichte Fenster.

► Einigkeit und Recht und Freiheit, Ehrenamt, Ernst des Lebens, Energiewende, Essenszeiten, Eiche.



- ▶ Föderalismus, freiwillige Feuerwehr, Flüchtlingshilfe, Familienunternehmen, Frühstücksei, Federbett.
- ▶ Gleichberechtigung, Gesicht zeigen gegen Hass und Diskriminierung, „Die Gedanken sind frei“, Gardine.
- ▶ Heimat, Handwerk, Hausmannskost, Helau und Alaaf, Hochdeutsch, Hefeteig.
- ▶ Immerwährende Verantwortung Deutschlands für den Holocaust, Integration, Innovation.
- ▶ Jugend musiziert, Jugend forscht, unabhängige Justiz, Jahreszeiten.
- ▶ Kommunale Selbstverwaltung, Kirchturm, Kirchensteuer, Kleingarten, Klatsch und Tratsch, Kartoffel.
- ▶ Lokalzeitung, Lärmschutzverordnung, Lutherbibel.
- ▶ Made in Germany, Mitbestimmung, Muttersprache, Muslime, Migrationshintergrund, Meisterbrief, Mut zur Lücke – auch in diesem Text.
- ▶ Naturschutz, Nationalmannschaft, Nachbarschaftsstreit, Neugier.
- ▶ Ordnung, Ökumene, Oktoberfest, öffentlicher Personennahverkehr.
- ▶ Pressefreiheit, Partner in EU und Nato, Polizei, Pilze sammeln, Pünktlichkeit, Pflaumenkuchen.
- ▶ Qualitätsarbeit, Quarkspeise, Quasselstrippe.
- ▶ Recht und Gesetz, Reformation, repräsentative Demokratie, Reisen, Rouladen mit Rotkohl.
- ▶ Sicherheit des Staates, Israel ist Staatsräson, soziale Marktwirtschaft, Sportverein, Streitkultur, Schützenverein, Spielzeugeisenbahn, Schwarz-Rot-Gold.
- ▶ Tarifverhandlungen, Tierschutz, Tüftler, Tischsitten.
- ▶ Umweltschutz, Umgehungsstraße, Unordnung.
- ▶ Volkslied, Verkehrssünderdatei, Vorsicht, bissiger Hund, Vollkornbrot, vierter Stern, Volksparteien, Vielfalt.
- ▶ Wirtschaftswunder 4.0, Wärmedämmung, Weihnachtsgebäck, Windrad, Wandern, Wald.
- ▶ EXaktes Arbeiten, kein X für ein U vormachen, EXportweltmeister.



- BaYern, Wagner in BaYreuth.
- Zweifel, Zoff, Zuversicht, Zusammenhalt.

Liebe Leserinnen, liebe Leser, so vieles mehr hätte ich noch schreiben können. Denn mein Deutschland von A bis Z ist offen, es entwickelt sich immer weiter. Vielleicht haben auch Sie Lust bekommen, darüber nachzudenken, in Ihrer Familie und mit Freunden. Das Ergebnis ist unser gemeinsames Deutschland von A bis Z, eine Einheit in Vielfalt.

Herzliche Grüße

Ihre Angela Merkel

Талабалар матн билан яқиндан танишгач дарсинг Кириш қисмидаги ва ўзлари тузган алифбодаги калит сўзлар билан қиёсланади, умумийлик ва фарқлар қисқача таҳлилга тортилади. Ниҳоят худду шу мавзудаги ўзбек алфавити тузилади ва ўзбек менталитетидан мисоллар келтирилиб тўлдирилади, ҳар икки халқ менталитетлари умумийликлари ва фарқлари ҳақида баҳс-мунозара ташкил этилади. Дарсинг ўқитувчи иштирокидаги қисмида эса мавзу доирасида маълум ҳажмдаги эссе ёзиш вазифаси белгилаб берилади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, шаклан рақамли технологиялар (рақамли компетенция), мазмунан баҳс-мунозарали аутентик ўқув материали (когнитив компетенция) уйғунлигида ўзига хос равишда намоён бўладиган ушбу каби чет тили дарсининг якуний мақсади коммуникатив самарадорликка (коммуникатив компетенция) эришишдир. Коммуникатив ҳаракатга ва натижага йўналтирилган ментал мавзу устуворлигидаги ўқув машғулотида матн коммуникацияга мойиллиги, хурофот, стереотип каби субъектив ҳодисалардан холи эмаслиги сабабли фақат ўқув воситаси сифатида, айнан коммуникацияга етакловчи вазифасини бажарувчи восита сифатида намоён бўлади ва чет тили дарсларида уларни коммуникацияга хизмат қилувчи омил сифатида қараш лозим. Ментал йўналтирилган мавзу чет тили дарси доирасидан чиқиб, ижтимоий ҳаётнинг кенг соҳаларини қамраб олади. Ментал жиҳат эса ўз навбатида барча



ҳолатларда ҳам ёрқин кўринишга эга бўлмасдан, маъновий бўёқларда “сатрлар орасидан яширинган” бўлиши мумкин, уни топа олиш учун иштирокчилар ўзлари сезмаган ҳолда фаол баҳс-мунозарага киришадилар. Долзарб ва қизиқарли мавзу танланиши дарс жараёнининг табиий кечишига олиб келади. Тўғри танланган долзарб мавзудаги ўқув материаллари, кенг имкониятли рақамли технологиялар ва ўқув жараёнига жалб этилган интерфаол усуллар ўз навбатида ўқув дарсини мароқли кечишини таъминлашлари ҳамда чет тилларини ўрганишда коммуникатив самарадорликка эришишга олиб келиши муқаррар. Бизнинг назаримизда, ҳар жиҳатдан компетенциялар уйғунлигига бағишланган ушбу мақола мисолида бунга амин бўлиш мумкин бўлди.

АДАБИЁТЛАР

1.5 ташаббус

2.2020 йил - “Илм – маърифат ва рақамли технологиялар” йили

3.2020 йилнинг 5 октябрида ПФ – 6079 сонли “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари” тўғрисидаги Президент Фармони.

4. Duden.Das Fremdwörterbuch.Mannheim.1997.

5. www.karriereakademie.de Was ist digitale Kompetenz?

6. www.kita.de.

7. Studer Thomas. Kompetenzmodelle und Bildungsstandarts für Deutsch als Fremd-und Zweitsprache. In: Deutsch als Fremd-und Zweitsprache. Ein internationales Handbuch. Herausgegeben von Krumm H.J., Fandrych Christian, Hufeisen Britta, Riemer Claudia. De Gruyter Mouton. Berlin/New York.2010. S - 1264-1271.

8. CEFR

9. Gemeinsamer europäischer Referenzrahmen für Sprachen: lernen, lehren, beurteilen. Langenscheidt.Berlin.2001.

10. Ismailov Yusub Die Sprachkompetenzen und kompetenzorientierter Fremdsprachenunterricht. Чет тилларни эгаллашнинг умумевропа



компетенцияларида лингвистик аспектларнинг акс этиш масалалари.

Республика илмий-амалий анжумани. 2016 10-июн. Тошкент.

11. Wolf Gordian. Vergleichende Kultur-und Mentalitätsforschung. In: Deutsch als Fremd-und Zweitsprache. Ein internationales Handbuch. Herausgegeben von Krumm H.J., Fandrych Christian, Hufeisen Britta, Riemer Claudia. De Gruyter Mouton. Berlin/New York.2010. S - 1431-1440.

12. Riemer Claudia. Motivierung. In: Deutsch als Fremd-und Zweitsprache. Ein internationales Handbuch. Herausgegeben von Krumm H.J., Fandrych Christian, Hufeisen Britta, Riemer Claudia. De Gruyter Mouton. Berlin/New York.2010. S - 1155-1161.

13.[<http://www.bild.de/news> 22.06.2017]